

Нимага йиғлаяпсиз, эй мўминларнинг амири?



07:10 / 01.08.2019 2022

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга Кисронинг хазиналари олиб келинди. Абдуллоҳ ибн Арқам: «Эй мўминларнинг амири, буларни байтулмолга қўшиб, тақсимламайсизми?» деди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Бу хазиналарга байтулмол шифтининг соясини ҳам туширмасдан, уларни сарфлаб юбораман», деди ва уларни масжид биноти олдига қўйишни буюрди. Кечаси билан уни қўриқлаб чиқибди. Эртаси куни эрталаб у хазиналарни олиб келишни буюрди. Хазиналарни очишса, кўзларни қамаштирадиган оқу қизил рангли дур-жавоҳирлар экан. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу уларни кўриб, йиғлаб юборди. Бир киши: «Эй мўминларнинг амири, нега йиғлаяпсиз? Ахир бугун шукр қилинадиган, хурсандчилик қилинадиган кун-ку?» деган эди, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Аллоҳга қасамки, бу нарсалар қайси қавмга берилган бўлса, албатта уларнинг ўртасига адоват солиб келган», дедилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан